



Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2016-yil, 22-mart. Seshanba • 34 (32.093)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, гул-чечаклар очилиб, атроф яшилди. Босса бурканиб бораётган шу кунларда яшариш ва янгилашни фасли бўлиши Наврўзи олам юртимизга кириб келиши билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва самимий тилакларимни изҳор этиши — мен учун катта бахтир.

Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари «Авесто» даврида пайдо бўлган қадимий, асл миллий, ҳар қандай сўбатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг сеvimли, энг гўзал баҳор байрамидир.

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда кўлам нафаси ва майин шабадалар кириб келиши, кўртлақларнинг очилиши билан инсон вужудига баҳор нашилдаси югургандек бўлади. Барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлгандек сезамиз, ўзимизни табиатнинг узвий ва ажралмас қисми деб ҳис қиламиз.

Айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимизнинг барча гушаларида, қир-адирлар, боғу-роғларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, бу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам қўришга интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай хурсандчилик ва сайл-томошаларни кўпчилик хонадон ва маҳаллаларда, марказда, узоқ ва чекка қишлоқларда қўриш, кузатиш қийин эмас.

Аҳолининг, қайси миллат ва элат вакили бўлишдан қатъи назар, байрамона қайфиятга берилиб, бу айёмни айёмни катта шоду хайралик билан ўтказиш, бундай дамларда нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қўлаб, бағрига босиб, соғлиқ, бахту саодат ва омад тилаши ҳеч кимни беварқ қолдирмайди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Мен ҳам айни шу дақиқалардан фойдаланиб, мана шу муаззам ва гўзал майдонда тўпланган сиз, азизларга, бутун халқимизга қарата Алишер Навоий бобомизнинг табарруқ сўзлари билан айтмоқчиман: «Барчангизга Наврўз байрами муборак бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!» деган самимий тилакларимни, меҳр-иззатимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қадри дўстлар!
Наврўзнинг ўлмас руҳи ва қадриятлари авлодлардан-авлодларга

безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу гоё ва одатлар бугунги кунларда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисолларни олиб келмоқчиман. Неча минг йиллик тарихимиздан маълум: Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ва аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва муруват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Шу борада бир фарз қилайлик: агарки, бугунги кунда халқроқ майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий муносабатлар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди.

Ишончим комил, агарки шу кунларда кўпни кўрган, қанча-қанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши мўқаррар.

Бундай яқдилликнинг сабаби ва илдизларини аввало бизнинг қадимий тарихимиз, кўп қиррали буюқ маданиятимизда, умумбашарий тараққиётга ўчмас ҳисса қўшган улуг олим ва мутафаккирларимиз қолдирган бебаҳо меросда, она юртимиз кўп замонлар давомида билим, маънавият ва маърифат маркази бўлиб келганида қўриш даркор.

Бунинг устига, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган олижаноблик, бағрикенглик, одамийлик ва меҳрибонлик, муҳтож бўлганларни қўлаб-қувватлаш, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш каби савоб ишларни бажо келтиришда бундай хусусият ва аломатлар аҳолиимизнинг қон-қонига, сўяк-сўягига сингиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Буларнинг барчаси асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, бойитилиб, охир-оқибатда эзгу инсоний тушунчаларга айланиб, халқимизнинг маънавий ва амалий дунёқараши учун мустаҳкам пойдевор бўлган.

Табиийки, бундай олижаноб, ноёб хусусият ва фазилатларга эга бўлган, пок орзу-интилишлар билан яшаётган, ўзи учун тинчлик ва омонликни, мусоффо осмонни истайдиган халқимиз, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узоқ қўшнилари билан ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат,

дўстлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида қуради. Ва юртимизни, аҳолиимизни ҳар қандай бало-қазолардан омон сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Мана шундай қувончли дамларда бутун бизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг элчилари ва халқроқ ташкилотлар вакиллари, хоржий шерик ва ҳамкорларимизни, барча муҳтарам меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан Наврўз байрами билан қўлашга, уларга қизгин ҳурмат ва саломимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Бутун мана шу файзли майдонда жамулжам бўлган сиз, азизларни қўлаб, сизларнинг тимсолингизда аввало Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қўйил қолдираётган, ёвуз кучларга бош эгмайди, ўз қадр-қимматини, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, шундай олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган халқимиз олдида таъзим қиламан.

Бизнинг таянчимиз ва сўянчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдида замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқроқ майдонда рақобатдошлигини янги босқичга қўтариш, иқтисодий-тимизини янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда.

Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қўлир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўлаб-қувватлашга тайёрман. Азиз ва қадриятли ватандошларим! Мана шу нурафшон ва гўзал айёмда барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, қут-бароқа олиб келсин!

Барча-барча орзу-ниятларимиз ушласин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

Наврўз — халқимизнинг азалий қадриятлари, эзгу орзу-интилишларини мўжасам этган, ажодларимиз билан бизга мерос бўлиб келган қадимий байрам. Мустақиллик унга ёшлик, янги ҳаёт бағишлади.

Истиқлол йилларида Наврўз мазмунан бойиди, мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутаётган умумхалқ байрамига айлан-ди.

Давлатимиз раҳбарининг «2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўрилди.

Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар билан қўтиб олмоқда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ЭЪТИРОФ

МАФТУНКОР ЮРТНИНГ БЕТАКРОР БАЙРАМИ

■ Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланмоқда. Жойларда ўтказилаётган байрам сайиллари иштирокчиларининг тилида, дилида шукроналик. Истиқлолимиз, тинч ва осойишта ҳаётимиз қадри ҳақида тўқилганиб сўзлайди улар. Юртимизга келаётган хоржилик сайёҳлар ҳам бу жараёнларга ғувоҳ бўлмоқда. Улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқдик.

Олесья АЙВОДА (Франция):

— Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Жаҳон цивилизацияси тараққиётга бекиёчи ҳисса қўшган буюқ алломалар юртини қўришни орзу қилардим. Қарангки, Наврўз арафасида ниятимга етдим. Бу байрам ҳақида муайян тасаввурга эга бўлсам-да, бевосита иштирок этиб хайратни янада ордти.

Наврўз миллий қадриятлар байрами экан. Бунга Бухоро шаҳрида ёшлар иштирокида ўтказилган

фестивалда ғувоҳ бўлдим. Миллий халқ ўйинлари, Наврўз тараннуми эитилган ялла-ю рақслар, сумалак тайёрлаётганлар ёнидан ўтар эканман, димоғимга аллақандай ажиб хид урилди. Тўхтаб қолдим. Нега ийманиб турибсиз, татиб кўринг, дейишди. Бунча тоғни ҳеч қачон, ҳеч қашда учратмаганман. Ўтмиш буюқ, келажаги порлоқ халқнинг мана шундай байрамлари бўлади. Байрамингиз муборак бўлсин!

Кристиан КАЙЗАР (Германия):

— Олий ўқув юрти ўқитувчисиман. Бухорога бир гуруҳ талаба-ёшлар билан келдим. Шаҳар, унинг тарихий обидалари бизда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир обида ўзбек халқининг ўзидек бетакрор. Кўчалар обод, одамлар хушмуомала.

Қадимий Арк қалъаси ёнида ўтаётган Наврўз сайли устидан чиқиб қолдик. Ҳаммаси сеҳрли, гўё эртақлар оламига тушиб қолгандек бўласан киши. Биз ҳам ёшлар даврасида рақсга тушиб кетганимизни билмай қолдик.

Марико ОЦУКА (Япония):

— Мен икки йилдан буён Ўзбекистон — Япония марказининг Бухоро бўлимида JICA (Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти)да кўнгилли сифатида ишлайман. Ўзбек тилини мулоқот қилаётган даражада ўргандим. Ўзбекистон — мафтунок юрт, Наврўз — бетакрор байрам. Бухоро шаҳри кун сайин чирой очиб бормоқда. Бу Наврўз арафасида янада

яққол сезилади. Сизларда ҳар кунинг Наврўз бўлсин, деган ибора бор экан. Бунинг замирида катта ҳикмат мужассам. Ўз тарихи, маданияти ва урф-одатларини улуглаган халқнинг эртаси янада нурафшон бўлади.

Ўза мухбири
Э.ЁДГОВОВ ёзиб олди.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ташкилотлари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Наврўз байрами муносабати билан ранг-баранг тадбирлар ўтказмоқда.

НАВРЎЗ — ҲАМЖИҲАТЛИК, ТОТУВЛИК РАМЗИ

Навоий вилоят партия кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Ватан» маҳалласида ўтказилган тадбирда ёлғиз кексалар, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбир аввалида маҳалла раиси Хайрулла Нарзуллаев Наврўз айёмининг умуминсоний хусусиятлари ҳақида тўхталиб, барчани самимий муборакбод этди.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўлаб-қувватлаш партияимиз олдидаги муҳим масала, — деди партиянинг вилоят кенгаши бўлим мудири Матлуба Рўзиева. — Наврўз муносабати билан электротартибимиз вакиллари, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олаймиз, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишга кўмаклашаймиз. Чунки бу кун барча кимдандир кўнгил сўрашга, эзгу ниятлар билан яхшилик қилишга ошқадди.

Тадбир доирасида иштирокчилар томонидан қўл меҳнати асосида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Наврўз қўшиқ ва лапарлари ижро этилиб, варрак сайли ўтказилди.

► Давоми 3-бетда.



ЮРТИМИЗГА ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ

■ «Барчангизга Наврўз байрами муборак бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!»

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, ёшлар ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан қутиб олади.

Чорлов мусикаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Мусаффо осмонимиз узра қуёш чарақлайди. Муаззам майдон атрофидаги улкан ҳаво шарлари майин тебранади. Турфа ранглардаги байроқчалар, анвойи гуллар кўзни қувонтиради.

Саҳна теграсидаги дарахлар, майсазорлар юртимизнинг баракали боғу далаларини эслатади. Охишта айланган чархпалат ободлик ва фаровонлик белгиси — обихаёт олиб келади. Хар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Майдон узра карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланганидан дарак беради. Шундай фарахбахш дамларда она табиятда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаятган юртдошларимиз кўнгилда шодлик, яна бир Наврўзга эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Наврўз янгиликларини, яхшиликларини бошлаб келади. 2015 йилги Наврўздан бир неча кун ўтиб, 29 мартда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси



Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва бағрикенглик муҳити қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиломоқда.

2015 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келгани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, терроризм ва жиноatchиликка қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари БМТ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз

ўсди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Макроиктисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджетини ва тўлов балансининг барқарор равишда профитит билан баҳарлиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда.

Бу Президентимиз томонидан асос солинган, халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган ва бутун жаҳон эътирофи этаётган тараққиётнинг «Ўзбек модели» самараларидир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилган бундай ютуқ ва марраларни бутун дунё тан олмақда. Халқаро эксперт ташкилотлари, нуфузли рейтинг компаниялари мамлакатимиз ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми — «World Economic Forum» иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг «Глобал иқтисодий тараққиёт» прогнози асосида тайёрланган маъlumотда Ўзбекистон 2014-2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик аниқлаш изчил давом эттирилмоқда. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил қони негизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилгани, Самарқанд — Қарши темир йўли участкасида «Афросиёб» электр поевзди қатнов йўлга қўйилгани халқимизга мамнуният бағишлади.

Барча соҳалардаги тараққиёт мамлакатимиздаги ободликда ҳам намоён бўлди. Шаҳар қишлоқларимизда кенг қўлланми бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда ўнлаб кўп қаватли замонавий уйлар, йўл ва кўприклар қурилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта уй-жой, қарийб 170 инфратузилма объекти барпо этилди. Бундай ишлар самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, одамларнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга

топширилаётган «Қамолот» уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун катта мадад бўлмоқда.

Наврўз кунларида халқимизга хос меҳру оқибат, хайру саховат янада яққол намоён бўлади. Эл-улус очик юз билан бир-бирдан хабар олади, беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуг инсонлар, таварруқ отахон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуг инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларнинг кўнгилни кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб борилаётган ишлар самарасини янада оширди.

Кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилди. 100 ёшга етган ва ундан ошган нурунийларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаб бориш тизими жорий этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар санаторий-курортларда бепул даволанди.

...Саҳнага болакайлар кириб келади. Майдон шўх-шодон қулгуга тўлади. Уларнинг абжир ҳаракатлари, хушчақчақ куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади.

Буллар — мустақиллик йилларида туғилган, давлатимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги оғушида ўсаятган соғлом болалар. Биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб улғаяётган авлод.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу эзгу иш изчил давом эттирилмоқда. Аналарнинг соғлом бўлиши, болаларнинг соғлом туғилиши ва ўсиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги ислохотлар моҳиятан ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётгани халқро танлов ва мусобақаларда ҳам ўз ифодасини топомқда. Биргина ўтган йили спортчиларимиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритди. Ёш мусикачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 совринли ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани бу соҳага эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

...Майдонда жаҳон мусикалари янграйди. Классик опера ва балетлар,

турли тиллардаги қўшиқлар байрам қатнашчилари, чет эллик меҳмонларга завқ бағишлайди.

— Наврўз Ўзбекистонда зўр тантана билан нишонланади, — деди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Фумихико Като. — Миллий анъаналарингиз халқ, айниқса, ёшлар томонидан фахру ифтихор билан қабул қилиниши эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни гоят қувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман!

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Мониторларда кураш, улоқ-қўқари, арқон тортиш, тош қўтариш, дорбозлик каби завқли анъаналар намоиши этилади. Уланчию лапарчилар деҳқончиликка барака тилаб, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.



Қишлоқ ҳўжалигида бозор муносабатлари ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракати кенг имкониятлар берилаётгани самарасида ҳар йили юксак ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу боис қишин-ёзин бозорларимиз фаровон, нарх-наво меъёрида.

Мамлакатимизда тайёр саноат, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот экспорт йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Наврўз — ажойиб байрам, — дейди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжихатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, турли касб эгалари, хорижий меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришимиз, байрам дастури-ни мириқиб томоша қиламиз. Бай-

рам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик мамлакатингиздаги тўқилик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир.


Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини янада тереяроқ ҳис этади. Она заминни ардоқлаб, бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб яшаш кераклигини яхшироқ англайди.

Халқимиз азалдан тўю тантаналарга орасталик, бунёдкорлик билан тараддуд кўрган. Ота-боболаримиз Наврўзни покизалик, эзгу орзу-ниятлар билан қутиб олган. Чўчки тозалик, саранжом-сарийшталик бор жойда қутбарака, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йил ҳам баҳорнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 12-13 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтган умумхалқ хайрия ҳашиарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, қорхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, меваги ва манзарали дарахлар, гул қўчатлари экилд. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, байрам совғалари улашилди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, қорхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохбачалари фойдаланишга топширилди. Бу ишхотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқараши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Наманган вилоятидан келган ҳусусий тадбиркор Ғани Умаров. — Бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дорилором кунларга етганимизга шукроналар айтамин. Илоҳим, доимо



Президенти сайлови бўлди. Демократия принципларига тўла мос равишда ўтган ушбу тадбирда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Ислам Каримовга овоз берди. Бу Ислам Каримовнинг мамлакатимизни хар томонлама ривожлантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаёт сифатини юксалтириш борасидаги беқиёс хизматларини халқимиз муносиб баҳолаши, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни давом эттиришни қўллаб-қувватлашнинг далолати бўлди.

«Келди баҳор...». Кўнгилларга қўлман сурурини бахш этган сеҳрли оҳанг оғушида юртимизнинг гўзал табиати, бетакор қадимий обидаларини замонавий иншоотлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку таровати кўз ўнгимизда гавдаланади.

Мумтоз наволар халқ қўшиқларига уланади. Чанқовуз, сибиэга қуйлари янграб, саҳнага фольклор-этнографик ансамбллар кириб келади. Наврўз сайли намоиши этилади. Дошқозонларда сумалак тайёрланади, тандирдан иссиқ нонлар узилади, йиғит-қизлар қўшиқ айтиб, рақсга тушади.

ушбу ташкилот ва унинг қатор тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали 2015 йили ўнинчи бор ўтказилди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган ушбу мусикий анжуман халқлар ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз қатъий равишда тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда.

...Майдон атрофида оппоқ лайлаклар қўним топган. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни, файзу барақани ифодалайди.

Тинчлик — тараққиётнинг асосий омилли. Тинчлик-осойишталик бўлган жойда ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Бунинг мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЮРТИМИЗГА ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎ

■ Ахир, биз азалдан бир-бирига елкадош, дўстга ҳам, душманга ҳам яхшилик соғинган халқимиз. Барчага яхшилик улашувчи элмиз...



ЭЗГУЛИКНИ УЛУҒЛАГАН АЙЁМ

Баҳор келиши билан юртимизда байрамлар бошланади. Уйғониш фаслида жисму жонимиз яшаш, яшарли ишқиде ёлмоқда. Варрак учирган болакайлар қийқириги ложжувард уфққа қадар етади. Соҳларига тоғбараклар таққан қиз-жуёнларнинг лапарларидан олам мунаввар, момоларнинг алёрларидан дупл масрур. Кунгайларда ўтирган боболарнинг гурунларини яна авжиде.

Наврў нафаси кўларда, юзларда намоён. Қалбларни қувончга тўлдирган бу айём сайиллари ҳар гўшада давом этаётти. Чунки Наврў шунчаки оддий байрам эмас, бу — халқ билан улғайиб, не-не синовларнинг бошидан ўтказган ва тараққий этиб келаётган улғу айёмидир.

— Бу байрамнинг ибтидосида эзгулик, замирида зулмат устидан ғолиб келган ёруғлик тантанаси ётибди, — дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Жаббор Эшонқул. — Азалдан бу шухули лажаларда урушлар тўхтатган, тартибсизликларга барҳам берилган. Турли миллат ва элатлар орасидаги ришталар қайта боғланган. Инсонлар муқаддас деб билган тўшунчаларини, туйғуларини асраган. Балки, шу қадриятлардир бугунги долғали замонда башар фарзандларининг бундай айёмларга эҳтиёж сезаётганига сабаб. Шунинг учун ҳам унинг қадри осмон қадар баланд, баҳоси йўқ.

Жамиятда тобора қадр топиб бораётган бу айём эндиликда янада ангина мазмун-моҳият касб этмоқда. Бобо ва

момоларимиздан қолган аёнчалар сайқал топмоқда. Эҳтиёжманда ёрдам қўлини чўзиш, ибратли умр кечириш, бир-бирига елкадошлик хислатлари жонланди.

— Ўзимизнинг байрамларини ҳам шундай нишонлайдиган кунлар келар экан-ку, — дейди бугунги пойтахтни зиёрат қилишга келган **Жиззахлик меҳнат фахрийси Холбўта Мирзаев**. — Авваллари бундай кунларни кўриш орзу эди, унда бунда одамлар йилбоши деб, пана-пасткамларда ўтказиладиган байрам, мана, энди катта майдонларга кўчди, халқнинг чин маънадаги унутилмас айёмига айланди. Жиззахнинг ҳам ҳар бир гўшасида қайноғилар бошчилигида Наврў байрами кенг миқёсда нишонланмоқда. Байрам баҳона, мана Тошкентда невараларимни айлантириб юрибман.

Бугунги тинч ва осуда, фаровон ҳаётимизнинг қадри бўлакча, фарзандларимнинг, невараларимнинг бахтидан суюнаман. Дориломон замонга етказганига шукр қиламан, бу дамларни кечаги кун билан солиштириб бўлмайди.

Аслида, одам боласига кўп нарсга керак эмас, унинг эркинлиги қўлида бўлса бас, муқаддас туйғуларини топталмаса



Шоназар ҚАРИЕВ олган сурат.

бўлгани. Шунда у тинч ва фаровон ҳаёт кечиради, сўзи маъноли бўлади, қадамидан ўт чакнайди, ҳаётига мазмун қиради. Уни ҳеч ким енгилмайди.

Бугун ўзлигини англаган, хурлиги, эркинлиги қўлида бўлган миллат байрами. Қаерга борсангиз, дошқозонда сумалак, ҳалим қайнаётти. Бундай урф-одатлар, удумлар, аёнчалар халқ ҳаётининг ажралмас қисми эканини юракдан ҳис қиласиз.

Шу фикрларни қоғозга тушираётганимда, Самарқанднинг чекка Қўшробод туманида яшовчи Зокир тоғам телефон

қилиб қолди. Дилим равшан тортди. Содда ва дўлвор бу одам қувончи ичига сиғмаганида, нимадандир ҳайратланганида, дилидаги бор гапни айтар эди. Наврў билан табриқлади, кўнғирок қилмаганимга бироз гина ҳам қилди.

— Жиян, бизда ҳам катта байрам бошланди. Тошкентда ўтаётган байрамни телевизордан томоша қилдим, тўғриси, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Сен журналистсан. Одамларнинг кайфиятини, фикрини ёзсанг бўлмайди? Ахир, биз азалдан бир-бирига елкадош, дўстга ҳам, душманга ҳам

яхшилик соғинган халқимиз. Барчага яхшилик улашувчи элмиз...

У тўлиб-тошиб гапирди, қишлоқлар ободлигидан жўшиб-жўшиб сўзлади. Тагин яна бир гап айтди:

— Бу кунларимизни кўролмай-диганлар ҳам бор, қуйганлар қуяверсин. Аммо биз бир бутун халқимиз, бир бутун миллатимиз. Тинч ва фаровон юртимиз, юртимизга муносиб Юртбошимиз бор. Бизга бошқа нарсга керак эмас. Шу бизнинг бойлигимиз, — деди. Тоғам ҳақ эди.

Аслиддин СУЮНОВ,
журналист.

БАҒРИ БАҲОР, ҚАДРИ БЕБАҲО



Оширжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ
шоири, ЎзХДП фаоли:

— Баҳорни, айниқса, Наврў айёмини тағриф-таъсиф этишда шоир халқига ҳеч ким тенг кела олмади керак. Бунинг сабаби бор, албатта. Шоирлар, улар чиндан ҳам шоир бўлсалар, оламдаги ҳамма-ҳамма нарсадан гўзаллик топадилар. Бу — атрофда, умуман, дунёга санъаткорона кўз билан қарашдир. Бундай қараш дунёни кўзингизга сержилди, серфайз ва албатта гўзал қилиб кўрсатади.

Шу билан бирга, шоирлар баҳорни, лаб оған гунаҳни, олам гўзаллигини аёл зотига қиёслайди. Дунё кўрганлар айтсин, Яратган аёлларнинг зуवालсини пишираётганда, ўзбек аёлини ҳусну тароват, меҳр-хаё, латофатдан аямаган шекилли. Чиндан ҳам ўзбек аёлининг меҳри ниғоҳлари, ҳушавозеълиги, ширинсўзлиги, кўзларида балқиб турган меҳр яна қайси халқ аёлида бўлиши мумкин?

Наврў айёми Фарғона водийсида жуда гаштли ўтади. Ҳар бир хонадонда мазали таомлар пиширилиб, қўни-қўшиниқига узатилади, маҳалла фаоллари кекса отахон оналари билан қўни-қўшиниқига олишади. Бизнинг хонадон ҳам ҳар йили айни шу кунларда байрам билан табриқлашга келган шо-гирдлар, шоир ва ижодкорлар билан гавжум бўлади.

Буларнинг ҳаммаси юртимиздаги барқарорлик, тинчлик-осойишталик туғайли.

Тинчлик бўлган жойда тўйлар, байрамлар бир-бирига уланади.

Гапимни поёнлаб, бир нарсга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Наврў — баҳор маликаси бўлса, аёлини уйнинг чироғи, дейдилар. Бу гап бугун айтилгани йўқ. Аёл наинки уйни ёритувчи чироқ, у минг-минг йиллардан бўён мамлакатимизнинг чироғи, эркак зоти қаддини ғоз тутиб келаятган жонбахш нур, дегим келади. Бирон-бир хонадон чироқсиз бўлмасин.

Демокриманки, ҳар бир хонадонимиздаги чироқ — аёлларимиз, опаларимиз, сингилларимизнинг кўзлари порлаб турсин, юртимизга кириб келган баҳор таровати, Наврў айёми, сумалакту ҳалимлар, ширин-шакар пишириқлар шулар билан тўлсин! Бу порлоқ кўзларда нақадар адоқсиз орзу-умидлар балқиб турганини ҳар кўни кўриб, ҳис этиб турайлик! Наврўнингиз муборак бўлсин!

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

НАВРЎ — ҲАМЖИҲАТЛИК, ТОТУВЛИК РАМЗИ



Самар ШОТУВЛАТОВ олган сурат.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги «Отчопар-1» маҳалласида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда жамоат ташкилотларининг вазифаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Тарғиботчилар гуруҳи» аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Дунёда кейинги ўн йилликларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шунини кайта-кайта тасдиқламоқдаки, бирор жойда уруш ёки нотинчлик келтириб чиқариш учун жиддий сабаб бўлиши шарт эмас экан, — дейди ЎЗХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутати Нигора Эшметова. — Бунинг учун дунёда бўлаётган воқеалар кўрсатиб турибди. Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туғайли юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу кунларнинг қадрига етишимиз, ҳар биримиз тинчликни асрашга ўзимизни масъул деб билишимиз лозим.

— Маҳалламизда ўндан ортқ миллат вакиллари ахил-иноқ яшамокда, — дейди «Отчопар-1» маҳалла

фуқаролар йиғини раиси Абдуғани Раҳимов. — Ҳамжиҳатликда кўплаб тадбирлар, ҳаётлар ташкил этмоқдамиз. Ойларнинг ижтимоий ҳолатидан хабардор бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Наврў байрами муносабати билан бу ишлар янада кучайтириляпти. Зеро, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Давра суҳбатида юртимиздаги тинчлик, осойишталик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ҳавфсизликни таъминлашда маҳаллалар томонидан олиб борилаётган ишлар, бу жараёнда давлат, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар билан ҳамкорлик истиқболларига оид маърузалар тингланди.

Наврў муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари томонидан яна кўплаб тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Наманган вилоят партия кенгаши «Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз масъулмиз» лойиҳаси доирасида маданий-маърифий тадбир ташкил этди.

Партия кенгашлари ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, БПТ раислари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштироки-

даги тадбирни вилоят партия кенгаши раиси Дилорам Абдурахимова кириш сўзи билан очди.

— Наврўзи олам таровати ҳар биримизнинг дилимизга эзгу интилишлар иштиёқини солмоқда, — деди у. — 21 март Ер юзиде нафақат Наврў байрами, шу билан бирга, Она сайёра кўни, бутунжаҳон шеърят кўни ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Тинчлик кўни сифатида ҳам кенг нишонланади. Наврўз она табият ва тинчлик билан уйғун айём ҳисобланади. Қадриятларимизни ўзида жо қилган бу байрамни кенг нишонлашда партияимиз ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Наврўзи олам таровати ҳар биримизнинг дилимизга эзгу интилишлар иштиёқини солмоқда.

Тадбир давомида Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри актёрлари томонидан драматург Набижон Ҳошимов асари асосида сахналаштирилган «Разол қурбонлари» спектакли намойиш этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳристон Абдуллаева ва Холисхон Турсунова кўшиқлари иштирокчиларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Маданий-маърифий тадбир якунида шаҳар ва туман партия кенгашлари томонидан бир гуруҳ ёшларга фахрий ёрликлар топширилди.

Илҳом САТТОРОВ,
Наврў ШОДМОНҚУЛОВ,
Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ҚУТЛОВ

Сирдарё вилоят ПРЕНАТАЛ МАРКАЗИ жамоаси



халқимизни, тиббиёт ходимларини Наврўзи олам билан қутлаб, ҳар бир оилага саломатлик, тинчлик ва фаровонлик тилайди. Соғлом она ва бола йилининг Наврўзи қалбларимизга янгидан-янги орзу-умидлар, шоду хуррамлик олиб келсин!

Келажагимиз бўлмиш фарзандларимизнинг камоллини ва бахтини кўриш барчамизга насиб этсин!



Мақмур ТОИР,
Ўзбекистон халқ
шоири, ЎзХДП фаоли:

— Бу дунёда уйғонувчи, уйғотувчи фасли ёқтирмаган инсон йўқ. Наврўз гўзаллигини кўриб дилинг яйрайди.

Унаётган ҳар бир майса, лаб очган қуртак, кеча қўз ўнгинида қуриб ётган дарахтларда маржондек тизилиб турган ўрик, шафтоли гуллари табиатнинг тириклик ҳақидаги тўшғиқидир. Садолари асрлар оша келаятган бу қўшқиннинг қадри мен учун осмон қадар баланд.

Бу кун сабабидан, ота-боболаримизнинг донишманд ўтганлиги ёдимизга ҳайрат билан келади. Ободлик, бунёдкорлик бонг қилинади бу кунда. Табиатнинг шифо-

бахш неъматлари ҳузурбахш очган қуртак, кеча қўз ўнгинида қуриб ётган дарахтларда маржондек тизилиб турган ўрик, шафтоли гуллари табиатнинг тириклик ҳақидаги тўшғиқидир. Садолари асрлар оша келаятган бу қўшқиннинг қадри мен учун осмон қадар баланд.

Бу кун сабабидан, ота-боболаримизнинг донишманд ўтганлиги ёдимизга ҳайрат билан келади. Ободлик, бунёдкорлик бонг қилинади бу кунда. Табиатнинг шифо-



Малика ШОИСЛООВА,
Матбуотчилар
мажмуаси, «Сервис»
МЧЖ корхонаси ходими:

— Озодалик, орасталик халқимизга хос одат. Айниқса, ҳар бир инсон маҳаллада яшаганидан кейин бир парча ер бўлса ҳам уни яшнатсам, бирор нарсга экиб қўқартирсам, дейди. Шунинг учун мен яшайдиган мазеда маҳалла аҳли кўча ва йўлакларни тозалаб, бўш майдонларга турли мева ва манзарали кўчатлар ўтказишди, дарахтларни оқлашди.

Хонадон соҳиблари қўча-қўй, ўз уйлари, кексайиб қолган, қаровчисиз йўқ қўни-қўшинларнинг уйлари ҳам тозалашади, маҳаллада тайёрланган ҳалим, сумалаклардан олиб келиб беришади.

Мен анча йиллардан бўён тозалик-озодалик билан бог-лиқ касбда фаолият юритаман. Шунинг биланки, тозал бўлган жойга фазл, кут-барак киради. Одамнинг руҳи тозаланади. Шунинг учун фарзандларим, келин-невара-

ларимга «уни қил, бунини қил» деб ўтирмасдан, ўзим ишга киришиб кетаман, бунини қилиб, улар дарҳол ишни қўлимдан олишади, барака топқурлар.

Наврў орасталик, яшариш ва яшиллик байрами, атрофга қараб, кўз қувонади. Юртимиз обод бўлса, маҳалламиз орас-та, чиройли, гулларга буркан-са, кайфиятимиз ҳам шунга яраша кўтаринки бўлади.

Нуруллоҳ ДОСТОН
ёзиб олди.



НАВРЎЗ ҚУТЛОВЛАРИ

Табрик, реклама ва эълонлар



Барча юрtdoшларимизни Наврўз айёми билан муборакбод этамиз.
Наврўз оилангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бахт-омад олиб келсин.

«Агробанк» ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган «Мобиль савдо» тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.




mobilsavdo
sodda va tez to'lov



Мобиль савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган.



Барча юрtdoшларимизни ёшариш ва янгиланиш айёми Наврўзи олам билан табриклаймиз.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, мустақил Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги ва бойлигини ошириш йўлидаги бунёдкорлик ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:
«Соғлом авлод» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
«Омад» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
«Юқори даромад» — омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади;
«Ёрқин келажак» — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:
«Percent» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
«Profit» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади
фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:
«Хонадон» — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
«Мадад» — маблағлар 1 йилдан ортқ муддатга қабул қилинади;
«Қурилишга бошлангич бадал» — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:
✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
✓ эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
✓ миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93,
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Хизматлар лицензияланган.



«Ўзнефтьгазқазибчиқариш»

акциядорлик компанияси жамоаси


Эзгулик ва баҳор байрами — Наврўзи олам билан барча ҳамюртларимизни табриклайди.

Янгиланиш фаслида
хонадонларимиздан қут-барака
аримасин, юртимиздаги тинчлик-
осойишталик бардавом бўлсин!



Юрtdoшларимизни
Наврўз айёми билан
муборакбод этамиз.
Сизларга олам-олам
қувонч, шодлик,
бахт-саодат,
соғлиқ, тинчлик-
омонлик,
хонадонингизга
файзу барака
тилаймиз.
Юртимиз равнақи
ва халқимиз
фаровонлиги
йўлидаги эзгу
ишларингизда
зафарлар ёр бўлсин!

Ассалом,
Наврўз!



Хизматлар лицензияланган.